O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 30 сентябрь, чоршанба • № 76 (11.059) • Эркин нархда сотилади

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили ҳамда мувофиқлаштирувчиси этиб тайинланган Павел Крал ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари ёрлиқни қабул қилиб олар экан, П.Крални ушбу шарафли ва масъулиятли вазифага тайинлангани билан қутлаб, унинг янги лавозимдаги фаолиятига муваффақият тилади.

-- Сиёсат соҳасидаги тажрибангиз ва Марказий Осиёни яхши билишингиз Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади,-- деди Ислом Каримов вакил билан суҳбатда. -- Биз БМТни дунёнинг энг нуфузли ташкилоти, мустақиллигимизни кафолатлайдиган халқаро тузилма, деб биламиз. Ҳар доим унинг мадад ва дастагини ҳис қилиб турамиз.

П. Крал самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш йўлида куч-ғайратини аямаслигини маълум қилди.

Суҳбат чоғида БМТ Бош Ассамблеясининг айни кунларда Нью-Йоркда ўтаётган сессиясида кўрилаётган масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳсин Али Хондан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

-- Ўзбекистонликлар сизнинг ватанингизни яхши билади,-- деди Ислом Каримов элчи билан мулоқот чоғида. -- Бангладешликларнинг табиати, урф-одатлари кўп жиҳатдан ўзбекларникига ўхшаш ва яқин.

Давлатимиз раҳбари Бангладешда сўнгги йилларда бўлаётган ўзгаришларга тўхталди ва жумладан, бундай деди:

-- 1996 йилда янги ҳукумат тузилганидан кейин юртингизда кенг кўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди. Ўзбекистонда бу ўзгаришлар хайрихоҳлик билан қабул қилинмоқда. Биз Бангладешда бошланган ислоҳотлар халқ фаровонлигини оширишга, давлатни юксалтиришга хизмат қилишининг тарафдоримиз. Бу ислоҳотлар самара беришига тилакдошмиз.

Муҳсин Али Хон Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнунлиги изҳор этиб, келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини қўшиш учун бор куч-ғайратини ишга солажагини маълум қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Бангладеш муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Биргер Дан Нилсен ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли вазифа билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш икки давлат учун ҳам фойдали эканини таъкидлаб, масъулиятли вазифани бажаришда унга муваффақият тилади.

Биргер Дан Нилсен самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, деди элчи, биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Шунингдек, у Ислом Каримовга Дания Қироличасининг номасини етказди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Кипр Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Платон Кириакидисдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари Платон Кириакидисни Ўзбекистонда элчилик фаолиятини бошлагани билан табриклаб, унга юксак ва масъулиятли ишида омад тилади.

Платон Кириакидис самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ўз фаолияти давомида Ўзбекистон билан Кипр ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун бор ғайратини ишга солажагини маълум қилди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев иштирок этди.

(ЎзА).

1 октябрь — Ўқитувчилар ва Мураббийлар куни

СИЗНИ ЯХШИ КЎРАМИЗ, МУАЛЛИМ!

Дунёда шундай табаррук касб эгалари борки, уларга жону жаҳонингни нисор айласанг камлик қилади. Бу — устоз, муаллим, мураббий унвонидир. Илк харфни кўрсатган, ҳар бир сўзни хижжалаб ёзишга ўргатган ҳам муаллими аввалдир.

Халқимизда «Устоз отангдек улуғ», деган ажойиб нақл бор. Нақадар топиб айтилган сўз бу. Чунки, илк бора мактаб остонасига қадам қўйган болакайлар энг аввало устоз сабоқларидан баҳраманд бўладилар. Улар ўз ўқитувчиларидан дастлабки ҳарфларни ўрганадилар, бора-бора ўқиб, ўрганиб, илму-ҳунар эгаси бўладилар.

Ҳа, ўқитувчилик, мураббийлик касби ҳамма даврларда ҳам эъзозлаб келинган. Аммо бу соҳанинг хокисор, билимли кишилари ҳеч қачон бугунгидек эъзоз ва эътибор топмаганлари ҳам рост.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси энг долзарб ва муҳим вазифага айланган. Шунинг учун ҳам мустақил мамлакатимизда ўтган йили биринчи марта 1 октябрь куни — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.

Истиқлол устозлар, муаллимлар, мураббийлар қадрини ҳар томонлама кўтара олди. Ўқитувчиларимизнинг руҳи тетик, ўз касбига бўлган меҳру-муҳаббати юз чандон ортган. Жойларда ҳар томонлама жиҳозланган янги мактаблар ишга туширилди. Уларда истиқлолимиз фарзандларидан бўлмиш болакай ва қизалоқлар илм сирларини ўзлаштирмоқдалар. Бу болажонларга устоз муаллимларимиз сабоқ бермоқдалар. Уларнинг шогирдлари эса Сизни яхши кўрамиз муаллим, дея таъзим бажо келтирмоқдалар. Яхшининг шарофати ҳам шундан-да.

Шавкат ТУРОБ.

Сиз суратда кўриб турган болажонлар Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб ўқувчиларидир. Улар бўш пайтларида ҳар сафар ўқитувчилари Наимахон Имомованинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилишади. Наимахон ҳам улардан ўз ўгитларини дариғ тутмайди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ

...ЎҚИТУВЧИ, МУРАББИЙ, УСТОЗ! Шу сўзлар замирида кўз ўнгимизда бағри кенг, қалби дарё сиймолар намоён бўлади. Мамлакатимиз маънавий ҳаётида бундай шарафли касбни эъзозлаб келаётган муҳтарам зиёкорларнинг тутган ўринлари беқиёсдир. Шу боис ҳам эл юрт ардоғида бўлган устозларга давлатимиз томонидан катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Хусусан Ўзбекистон Президентининг «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» ни нишонлаш тўғрисидаги фармони нур устига аъло нур бўлди.Эндиликда ҳар йилнинг 1 октябрида «Устозлар куни» умумхалқ байрами сифатида кутиб олинади. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турмуш шароитини моддий жиҳатдан яхшилашга оид қўшимча чора тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарори ҳам бу соҳа кишиларига бўлган эътиборни янада кучайганлигини ифодалаб турибди.

Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ва янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун халқ таълими ривожини таъминлашда муҳим ҳужжатлар ҳисобланиб, таълим-тарбиявий ишларни янги босқичга олиб чиқишда зарур омилдир. Шунинг учун бугунги кун вазифаси — ўқитувчиларнинг маънан бойиши, касб-маҳоратини ошириш, иш мезонини яхшилаш ҳамда узлуксиз таълим беришини такомиллаштиришдан иборат. Бу борада Ёш кадрлар билан ишлаш дастури» амалга оширилаётир. Айни пайтда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 5та педагогика институтларида 18та, 36та педагогика билим юртларида 7та мутахассислик бўйича мураббийлар тайёрланмоқда.

Шуни айтиш керакки, 1998-99 ўқув йили аввалгилардан кескин фарқ қилади. Янги турдаги ўқув муассасалари очилмоқда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига давлат томонидан маблағ ажратилиб, улар замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда компьютерлар билан таъминланяпти. Босқичма-босқич ўтиладиган ўқув юртларида салоҳиятли кадрлар жамоасини шакллантиришга катта эътибор берилаётир. Шунинг учун ўқитувчиларнинг чет элларга бориб, малакаларини ошириб, тажрибалар ўрганиб қайтишлари мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

«Халқ таълимининг истиқболли дастури» бўйича Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ангрен шаҳри ва Қибрай туманидаги икки мактаб «Умумевропа таъсис ташкилоти» лойиҳасини рўёбга чиқариш мумкинлигини амалда исботладилар. Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарларидаги иккала 8-,12-, Қибрай туманидаги 25-мактабларга ЮНЕСКОнинг сертификати берилди.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини кенгайтиришнинг мустаҳкам негизи яратилмоқда. Чунончи, Зангиота туманидаги 14-ўрта мактаб негизида академик лицей, Чирчиқ шаҳридаги 7-ҳунар техника билим юртида эса касб-ҳунар коллежини очиш бўйича тажриба-намуна ишлари яхши самара берди. Умуман, келгусида вилоят мактаблари 9-синф битирувчиларининг деярли 100 фоизи янги турдаги ўқув муассасаларида ўқишни давом эттирадилар.

Умумтаълим мактаблари учун алоҳида «Махсус тажриба-ўқув дастурлари» яратилди. Ушбу йўриқнома асосида вилоятдаги белгиланган мактаб-тажриба-синов майдонларида қизғин ишлар кетмоқда. Қибрай туманидаги 16-мактабда жўғрофия, Бўка туманидаги 8-мактабда тарих фанларини чуқур ўргатиш бўйича тажриба-синов ўтказилмоқда. Бу гуруҳларга моҳир ўқитувчилардан Ҳ. Иноғомов ҳамда У. Жўраевлар раҳбарлик қилишмоқда.

Шуни ҳам айтиш муҳимки, янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар билимини аниқлашда рейтинг тизими жорий қилинади. Бу жараён Олмалиқ шаҳридаги мактабларда ижобий самара берган эди. Айниқса, 5-9-синф ўқувчиларининг билиш қобилиятини аниқлашда бундай балли баҳолаш жуда қўл келади. Бунда пухта билим ва малакага эга бўлган тажрибакор ўқитувчилар ҳал қилувчи куч сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Қисқаси, «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни умумхалқ байрами тарзида кенг нишонлар эканмиз, мўътабар устоз деган номга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Жамият олдидаги обрў-эътиборни янада оширишга интиламиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча заҳматкаш, фидойи ўқитувчиларимизга соғ-омонлик, ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқатли қилиб тарбиялашдаги ишларида эса улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Акбар АЛИЕВ, педагогика фанлари номзоди.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ТАЖРИБА ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

ТОШКЕНТ вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида рейтинг тизимига ўтилиши муносабати билан махсус курслар ташкил этилди.

Янги педагогик технология ва рейтинг тизимини амалиётга татбиқ этиш бўйича уюштирилаётган мазкур курсларда Янгийўл шаҳридаги 8-, 12-мактаблар ўқитувчилари ҳам ўз билим ва малакаларини оширдилар.

Яқинда Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими томонидан уюштирилган семинар йиғилишда ўқув жараёнида рейтинг тизимини қўллаш масаласи кўриб чиқилди. Улар 8-, 12-мактабларнинг бу борадаги иш тажрибасини ижобий баҳолашди.

Али АКБАРОВ.

«ЗАРАФШОН» «НЬЮМОНТ» ФИЛИАЛИ

АНГРЕНДАГИ олтин қазиб чиқариш корхонасида ҳам фан-техниканинг энг янги ютуқлари асосида яратилган замонавий технология жорий қилинадиган бўлди. Унинг «Қизил олма» ишлаб чиқариш артелида иш жараёнини такомиллаштириш назарда тутилади.

Бу ерда Ўзбекистон — Америка «Зарафшон» — «Ньюмонт» қўшма корхонасининг филиали барпо этилади. Бунинг учун сармояни Америка тадбиркорлари ажратадилар. Японияда яратилган асбоб-ускуналар жорий қилинади. Ҳозирча «Ангренгольдкомпания» деган ном олган бу филиалда кончилар қазиб чиқараётган маъданлар қайта ишланиб, улардан турли-туман қимматбаҳо ва нодир металлар ажратиб олинадиган бўлади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда бу кондаги маъдан заҳиралари 30 йил давомида ишлашга етади.

Собир ҲАМИДОВ.

БОҒЧА — СИНОВ МАЙДОНЧАСИ

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур изчиллик билан амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига биноан Чирчиқдаги 31-болалар боғчаси мактабгача таълим янги талаблари ва дастури синаб кўриладиган тажриба майдончасига айлантирилди.

Замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган бу боғчада дарслар ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, 280 нафар болани тарбиялашда педагогиканинг янги усуллари қўлланилади ва энг мақбул деб топилганлари республикага ёйилади. Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга қаратилган педагогик тажрибаларни «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» вилоят танловининг ғолиби, тажрибали тарбиячи Раҳима Ўсарова олиб боради.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

ЯНГИ ОРОМГОҲ ИШГА ТУШДИ

ЯҚИНДА Зангиота туманининг Эшонгузар қўрғонида замонавий меъморчилик асосида қурилган янги болалар оромгоҳи ишга тушди. Оромгоҳнинг икки ёнида қад ростлаган қаҳвахона ва ҳашаматли дўкон кичкинтойлар хизматида бўлади. Унда тотли музқаймоқ, ҳар хил пишириқ ҳамда ширин ва салқин ичимликлар бор.

Шунингдек, сув ҳавзаси, аттракцион мажмуа болаларнинг қувончига қувонч қўшадиган бўлди. Боғнинг кенг ва текис йўлаклари сайр қилувчиларга қулайлик яратибгина қолмай, маданий ҳордиқ чиқаришга ҳам мослаштирилган.

Шуни айтиш керакки, бу оромгоҳни барпо этишда туман автомобиль йўллари қурилиши тресті ҳамда 1-кўчма қурилиш жамланмаси ишчилари алоҳида хизмат кўрсатдилар.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Вазирлар Маҳкамасида ҚИШГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

Вазирлар Маҳкамасида республикамиз иқтисодиёти соҳаларининг 1998-1999 йиллардаги кузги-қишки даврига тайёргарлиги масаласига бағишланган мажлис бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмаларнинг раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ҳақида Коммунал хизмат кўрсатиш вазири В.Михайлов, Энергетика ва электрлаштириш вазири В.Отаев, Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, Соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримов, "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорацияси раиси И.Зайнутдинов, "Кўмир" акционерлик бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари С.Томалак, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари В.Дорохов ҳамда бошқа маҳаллий бошқарув ва ташкилотлар раҳбарлари ҳисобот бердилар.

Мажлисда кузги-қишки даврдаги ишларни пухта таъминлашга масъул бўлган бир қанча вазирлик, идора, ҳокимлик, муассасаларнинг бу масалага етарли даражада эътибор бермаётгани қайд этилди. Шунинг учун ҳам тегишли соҳа, ҳудуд, бўлинма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг қишки шароитга тайёргарлигини танқидий таҳлил этиб, ишлаб чиқилган режаларни бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш тавсия қилинди. Қисқа муддат ичида барча қозонхона, иссиқхона, газ, сув узатиш, канализация тармоқлари, элеваторлар, турар жой ҳамда бошқа биноларни, транспорт воситаларини совуқ кунларга қолдирмасдан таъмирлаб, тартибга солиш зарур. Мажлисда, шунингдек, барча қишлоқ ва шаҳар иншоотларини, энг аввало, даволаш, болалар ва ўқув муассасаларини иссиқлик билан мунтазам таъминлаш учун лозим бўлган зарур ёқилғи ресурсларини ҳамда бошқа моддий-техник жиҳозларни ўз вақтида етказиб бериш зарурлиги таъкидланди.

Мутасадди вазирлик ва идораларга ўртага қўйилган барча муаммоларнинг ўз вақтида ечилиши бўйича муайян топшириқлар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов, Д.Ғуломова, Л.Аҳметов, В.Чжен, М.Усмонов, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Ғ.Саидова, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦

— СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий газетаси «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» минг-минглаб ўқувчиларнинг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кўмакдоши ва таянчидир. У нафақат вилоятимиз ҳаётида, балки жонажон Ватанимиз ва хорижда юз бераётган муҳим янгиликлар билан ҳам газетхонларни мунтазам таништириб келади. Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги фидойиликлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг боришини тўлақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, мафкура, маънавият, маърифат масалаларини ёритиш ижодий жамоамизнинг асосий мақсадидир.

«Тошкент ҳақиқати» 1999 йилда ҳам «Ҳуқуқ сабоқлари», «Маънавиятимиз сарчашмалари», «Дилдаги гаплар», «Турмуш чорраҳаларида», «Олам ҳафта ичида», «Табиат ва инсон», «Оқибат», «Аёл олами», «Спорт» сингари Сизга таниш ва манзур бўлаётган рукнлар остида қизиқарли мақолаларни эълон қилиб боради. Телекўрсатувлар дастури мунтазам чоп этилади. Реклама ва эълонларингизга кенг ўрин беради.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча почта-алоқа бўлимларида газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисоблаганда:

ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2012 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1006 сўм 14 тийин
1 ОЙГА — 167 сўм 69 тийин

ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2612 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1308 сўм 14 тийин
1 ОЙГА 217 сўм 69 тийин

Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
Якка обуначилар учун — 205
Ташкилотлар учун — 206

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

Пахта — 98

«БАХМАЛ»ДА БАРАКОТ БОР

ВИЛОЯТИМИЗДА пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Ҳозир ҳамманинг фикри-ёдида бир ташвиш. У ҳам бўлса режадаги 280 минг тонналик ҳосилни ёнғин-сочинли кунларга қолдирмай тез ва соз териб олиш. Амалда шундай бўлмоқда. Ишни пухта ташкил этиб, имкониятлардан оқилона фойдаланилаётган жойларда «оқ олтин» хирмонлари тобора кўкка бўй чўзиб боряпти.

Бўка тумани азаматлари бу йил териб топшириладиган пахта салмоғини 42 минг тоннага етказиш учун далаларда ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишмоқда. Биз туман хўжаликларида бўлганимизда буни яққол ҳис қилдик. Ҳамма ерда қизғин меҳнат авжида. Оппоқ денгиздек чайқалаётган пайкалларда теримчиларнинг шўх-шодон кулгулари янграйди. Ахир ҳурсанд бўлмай бўладими? Йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат бугун лўппи чаноқларда намоён.

Улар деҳқоннинг ризқ-рўзи, насибаси, хонадони ободлигию дастурхони тўкинлиги. Бўкаликлар буни яхши тушунганликлари учун ҳам йиғим-теримни тобора қизитмоқдалар. Заршунослар айни кунларда қабул пунктларига режанинг қарийб 3 фоизи миқдорида пахта топширяпти. «Ўзбекистон», «Ачамайли», Ҳожиматов номли, Жамбул номли хўжаликларда суръат айниқса, юқори. Ушбу илғор хўжаликларнинг миришкорлари кунига 4-4,5 фоиздан «оқ олтин» териб топширишга муваффақ бўлишмоқда.

Ўзаро меҳнат беллашувида «Бахмал» ширкат хўжалиги пахтакорлари пешқадам. Улар айни кунларда режанинг қарийб 5 фоизига етказиб хом ашё топширмоқдалар.

— Бу йил ҳосил етилиши бир мунча кечикди, — дейди хўжалик раиси Мансур Сайдуллаев. — Аммо далаларимизда мўлжалдан зиёд пахта бор. Улар ҳозир қийғос очилган. Фақат сафарбарликни кучайтириб, одамларнинг унумли ишлашлари учун шароит яратсак, суръат кўтарилаверади.

Шунинг учун ҳам теримда қатнашаётганларга ун, ёғ, гуруч ва бошқа зарур нарсаларни узулишсиз етказиб беряпмиз. Уйидан, рўзғоридан тинч бўлган деҳқоннинг эса ишида унум бўляпти. Ҳозиргача йиллик режанинг 40 фоизидан ошириб пахта топширдик. 1 октябрдан бошлаб машина теримини бошлашни мўлжаллаб турибмиз. Ана шундай терим янада тезлашади.

Ҳа, хўжалик заршунослари 15 октябрда ғалаба рапортига имзо чекамиз, дейишмоқда. Далалардаги меҳнат маромии эса марра ундан ҳам илгари адо этилиши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Биз Мақсудали Тўйчиев бошлиқ бригада даласида бўлганимизда ялпи сафарбарликнинг устидан чиқдик. Оппоқ пахтазорда қиз-жувонлар жавлон уришяпти. Йигитлар дур тўла этакларни хирмонга ташиб улгуришолмайди. Пахта ортилган тележкалар тиркалган трактор қабул пункти билан пахтазор оралиғида пешма-пеш қатнаб турибди.

— Бригада азаматлари бу йил мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 24,7 центнердан пахта териб олишни мўлжаллашган. Айрим пайкаллар эса биринчи теримдаёқ 30 центнерга етказиб ҳосил бермоқда. Демак, режа муддатидан илгари ошириб адо этилиши аниқ. Чунки бригадада ҳозиргача режа қарийб 80 фоизга етказиб қўйилганига қарамай, суръат бир дам бўлса-да сусаймаяпти.

Шунингдек, Исоқ Қўзиев, Нишонбой Жўраевлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳам терим яхши кетмоқда. Уларнинг хирмонига кунига 110-130 килограммдан пахта тераётган Баҳринисо Жуманова, Хуринисо Норқосимова, Қизилгул Ўралова, қайнона-келин Гулзарбуви ва Каромат Эрматовалар барака киритмоқдалар. Бу чеварларнинг ҳар бири ҳозиргача 3 тоннадан ошириб пахта теришибди.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейишлари рост. Бўкада азамат, танти, меҳнаткаш инсонлар кўп. Уларнинг ғайрати туфайли туман пахта топширишда вилоятда илғорлар қатори боряпти. Хирмони юксалиб, марра сари дадил одимламоқда. Биз ҳам пахтакорлар ҳузуридан қайтар эканмиз, уларнинг ишларига омад, насибаларига барака тиладик.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: тезкор теримчи Гулзорбуви Эрматова. Ўнгдаги суратда эса бош ҳосилот Раҳмон Туропов ва бригада бошлиғи Нишонбой Жўраевлар ҳосил чўғидан мамнун.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

ХИРМОНДАГИСИ КЕРАК

ХЎЖАЛИГИМИЗ пахтакорлари бу йил 440 гектар ерда ғўза ўстиришган. Мўлжалимиз ҳар гектар ердан 26,6 центнердан пахта териб олиб, ялпи хирмонни 1178 тоннага етказиш. Режанинг ошириб адо этилишини таъминлайдиган даражада ҳосил бор.

Дарҳақиқат, вилоят ҳокимлигининг вилоят деҳқонлари, ишчи-хизматчилари, зиёлилари, ёшлари — барча меҳнаткашларига мурожаатида тўғри таъкидланганидек, бизга даладагиси эмас, хирмондагиси керак!

Мурожаатга жавобан хўжалигимиз, хусусан, бригадамиз пахтакорлари бор ҳосилни қисқа вақтда хирмонга тўкиб олиш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Қурбонбой ЙЎЛДОШЕВ,
Чиноз туманидаги Амир Темур номли фермерлар уюшмаси бригадаси бошлиғи.

ВАҚТ ҒАНИМАТ

ЖОРИЙ ЙИЛДА хўжалигимизда 2600 тонна пахта тайёрлаш режалаштирилган. Вилоятимиз ҳокимлигининг, деҳқонлар, ишчи-хизматчилар, зиёлилар, ёшлар — барча меҳнаткашларга мурожаатида қайд қилинганидек, оғирлик ҳаммамизнинг гарданимизга тушиши аниқ.

Дарҳақиқат, ўзи етиштирган ҳосилни ўзи териб олишда жонбозлик кўрсатмаган пахтакор пахтакор эмас. Буни яхши тушинган хўжалигимиздаги кексаю ёш бугун белига этак боғлаб, далага чиқяпти.

Мен ва дугоналарим кунига 100-120 килограммдан пахта теряпмиз.

Терган пахтамиз учун ҳар беш кунда пул тўланмоқда. Бу ҳаммани ғайрат қилишга ундамоқда. Хўжалигимиз меҳнат аҳли мурожаатга жавобан барча имкониятларни ишга солиб, бор ҳосилни тез орада йиғиб-териб топширамиз, дейишмоқда.

Хадича ИСАХЎЖАЕВА,
Янгийўл туманидаги «Тинчлик» ширкатлар бирлашмаси теримчиси.

БИЗ БИР ЁНДАН...

«Пахта хирмонимиз қанчалик кўкка бўй чўзса, турмушимиз янада фаровон, давлатимиз қудратли, келажагимиз порлоқ бўлишини асло унутманг».

Вилоят ҳокимлигининг вилоят деҳқонлари, ишчи-хизматчилари зиёлилари, ёшлари — барча меҳнаткашларига мурожаатида шундай дейилган.

Ҳақ гап. Шунинг учун ҳам биз сабзавоткор деҳқонлар хўжалигимиздан салкам 200 киши ўзимиз талабгор бўлиб, Оққўрғон туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигига ҳашарга отландик.

Ҳар биримиз ўзимизча режа тузиб, кўпроқ ва сифатли пахта теришни ният қилиб олганмиз. Менинг ўзимга келганда хўжалигимизнинг Жўра Тўлаганов бошлиқ бригадасида меҳнат қиламан.

Бу йил ҳар кун, ҳар соатдан унумли фойдаланиб 100-110 килограммдан ошириб, пахта топширмоқдаман. Ахдим кам деганда 2 тонна пахта териб топширишдир.

Файзулла УМАРАЛИЕВ,
Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги пудратчи деҳқони.

ЭКСПОРТ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

«ҲЕЧ БИР ишда бизнесда бўлгани каби эҳтиёткорона иш тутилмайди, десам муболаға бўлмас. Шу боис бу ерга келишимдан аввал кўп ва хўп ўйладим. Маълум муддат мобайнида сизнинг мамлакатингизни ўрганиш билан машғул бўлдим.

Бир қанча китобларни, жумладан, асримизнинг буюк арбобларидан бири Президент Ислом Каримовнинг туркчага таржима этилган китобларини мутолаа қилдим. Юртингиздаги тинчлик-осойишталик, иқтисодиётнинг тобора юксалаётганлиги, хорижлик тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар — буларнинг бари менинг иккиланишларимга чек қўйди. Ва ниҳоят, Оҳангарон тумани ҳокимлигининг амалий ёрдами туфайли мен шу заминда корхона бунёд этдим». Бу илиқ сўзларни туркиялик ишбилармон Мажит Ўздуролдан эшитдик.

Ўзбекистон ва Туркия азал-азалдан ўзаро алоқада бўлиб келганлар. Юртимиз мустамлакачилик исканжасидан қутулиб, озод бўлгач, бу мамлакат билан ҳамкорлигимиз гуркираб ривожлана бошлади. Айни пайтда республикамизда қисман ёки тўлиқ Туркия томони сармояси иштирокидаги юзлаб корхоналар фаолият юритмоқда.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги «Айлин гида санойи компани» корхонаси мақола бошида номи зикр этилган чет эллик тадбиркор, шу корхонанинг Бош директори М. Ўздуролнинг маблағлари ҳисобига қурилган. Корхона ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «Айлин» юз фоиз энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Республикамизнинг озиқ-овқат бозорини тўлдириш ва унинг ассортиментини бойитишда корхонанинг ўзига хос ўрни бор. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Пикник», «Кремали», «Бамбино»... жами 18 хил турдаги аъло сифатли печеньелар харидорларга манзур бўляпти. Корхона маҳсулотларининг доимий мижозлари пойтахтимизда, шунингдек, вилоятимизда иш юритаётган савдо фирмаларидир. Узоқ шаҳар ва қишлоқлардаги тижорат фирмалари буюртмасига биноан, «Айлин» ўз маҳсулотларини уларга бепул етказиб бериши мумкин.

Бозор иқтисодиёти талабларидан бири — жадал ишлашдир. Шу боис ушбу корхонада кечаю кундуз, яъни 3 сменада иш қайнайди. Ўзбек ва турк йигит-қизларидан иборат 160 нафар ишчи қизғин меҳнат билан банд. Уларнинг ойлик маоши — 8.500 сўмдан 12.500 сўмгача боряпти. Хизматчилар ҳар куни 3 маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланадилар, шунингдек, моддий ёрдам тариқасида рағбатлантирувчи пуллар олиб турадилар. Ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун бошқа шароитлар ҳам вужудга келтирилган. Қисқаси, ишчилар раҳбарлардан, раҳбарлар эса ишчилардан мамнун.

Корхона хайрия ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Чунончи, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 23-сонли Меҳрибонлик уйини ҳамда Оҳангарондаги Қариялар уйини оталиққа олган. Бундан ташқари, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Омад юлдузи», «Олтин тож» кўрсатувларининг доимий ҳомийсидир.

«Айлин» корхонасининг келгуси режалари ҳам хийла салмоқлидир. Бош директорнинг сўзларига қараганда, яқин орада ун заводи ҳамда кимёвий ювиш воситалари ишлаб чиқариладиган корхона қуриш мўлжалланяпти. Бу режалар давлат дастурига киритилди. Ҳозир эса корхона жамоаси ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилишга ҳам киришди. Қозоғистон давлатига дастлабки маҳсулотларини жўнатди.

Ўйлаймизки, яқин кунларда Ўзбекистоннинг «Айлин» печеньелари Марказий Осиё республикаларининг бозорларига ҳам чиқади. Келгусида эса Россиянинг кўпгина йирик шаҳарлари бозорларига ҳам печеньеларни экспорт қилиш режалари бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Солижон ЗОИРОВ.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона бош директори Мажит Ўздурол ишчилар билан ўзаро суҳбатлашмоқда; ўз касбининг моҳирлари Ҳилолахон Хусанхонова ҳамда Дилафрўз Абдусаломовалар топшириқни доим зиёдаси билан бажаришмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

Қўшма корхоналарда

«ЭКОСАН» КЛУБИ ИЗЛАНИШДА

ЙИГИРМА биринчи аср бўсағаси олимларни келгуси минг йилликда инсониятни нималар кутаётганлиги масаласида тобора кўпроқ фикр-мулоҳазалар юритишга мажбур қилмоқда.

Шунинг учун ҳам, айниқса, Ғарб мамлакатларида сўнгги йилларда инсоният тараққиётининг истиқболларини ўрганишга қаратилган амалий фаолият билан шуғулланувчи қатор тадқиқот марказлари ва ташкилотлари пайдо бўлди.

Уларнинг ичида «Рим клуби» деб ном олган халқаро ноҳукумат, нотижорат ташкилоти етакчи ўринни эгаллайди. У жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатлари олимлари, жамоат арбоблари ва тадбирколарини бирлаштирган. Инсониятнинг тақдири уларни ташвишга солмоқда. Клуб аъзоларининг куч-ғайрати табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўлларини излашга қаратилган. Акс ҳолда курраи заминимиз табиатига шунчалик катта зарар етказилмоқда-ки, у пировард натижада фалокатга олиб келиши мумкин.

«Рим клуби» ташкил этилганига ҳам 30 йил бўлди. Унинг ғоялари жаҳондаги ўнлаб мамлакатларда қўллаб-қувватланиб, бўлимлари очилмоқда. Уларнинг бири Тошкент «Экосан» клубидир. У мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин 1994 йилда барпо этилди. Клуб таркибида 50 нафардан ортиқ олимлар, жамоат арбоблари, тадбиркорлар доиралари вакиллари бор. Айни вақтда клубга ҳорижий давлатлардан ҳам аъзолар қабул қилинган.

Клуб ўз фаолиятининг дастлабки босқичида, аввало, Осиё қитъаси олимлари, мутахассислари, жамоат арбобларининг кучғайратларини муҳим экологик муаммоларни атрофлича ўрганиш, бу иш бўйича тадқиқотларнинг устувор йўналишларини ва илмий тамойилларини ишлаб чиқиш, Марказий Осиё давлатларининг илмий асосланган экологик сиёсатини шакллантириш, экологик тафаккур ва маданиятни тарбиялаш учун марказлаштиришга қаратди.

Клуб ўз аъзолари ва бошқа жамоатчилик вакиллари билан қатор халқаро конференциялар, учрашувлар, семинарлар ўтказди. «Меҳнат, экология ва саломатлик», «Тупроқ, экология ва саломатлик», «Буюк Ипак йўли ва экосаёҳат», «Оила: экология ва саломатлик» ва табиатни муҳофаза қилиш, унинг тождори — инсонни ҳар томонлама ардоқлаш ҳамда бошқа мавзуларда ўтказилган конференцияларда тавсиялар ишлаб чиқилиб, давлатларнинг бошқарув органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар эътиборига ҳавола этилди. Клуб тўпланган тажрибани ҳисобга олиб Марказий Осиё минтақаси олдида турган экологик муаммоларнинг ҳал қилишнинг энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни олиб бормоқда. Марказий Осиёда демографик вазият, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимликларнинг биологик турли-туманлигини сақлаб қолиш, Марказий Осиё аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, минерал хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқа кўпгина масалалар шулар жумласига киради.

«Рим клуби»нинг ташкил этилганига ўттиз йил тўлиши муносабати билан унинг Тошкент «Экосан» филиалининг бўлиб ўтган мажлисида шулар ҳақида гапирилди. Унда Тошкент «Экосан» клуби президенти, профессор Ю. Шодиметов «Тошкент «Экосан» клуби: XXI аср бўсағасида фаолиятнинг асосий йўналишлари» мавзуида маъруза қилди. Италия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Йоланда Брунетти Гетц хоним «Рим клуби» ва унинг Тошкентдаги «Экосан» филиалининг савобли иш билан шуғулланаётганликларини алоҳида таъкидлаб, юбилей билан табриклади ва ҳайрли ишларида янги муваффақиятлар тилади. Мажлисда қатор нотиқлар ҳам сўзга чиқиб, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда юзага келган экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Мажлисда Тошкент «Экосан» клубига янги аъзолар қабул қилинди ва уларга сертификатлар топширилди, клуб фаолиятининг асосий йўналишларида ишларни кучайтириш ва самарасини ошириш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

1 октябрь — халқаро кекса кишилар куни

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

ИНСОН кексайгач, албатта, кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Ана шунда унинг болалари, набиралари хизматга шай бўлиб туришади. Бу халқимизнинг эзгу удуми. Аммо қиши ёлғиз бўлса-чи?

Ана шунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг тиббий-ижтимоий хизматдаги меҳр-шафқат ҳамширалари ёрдамга келадилар. Кейинги тўрт йил ичида жамият томонидан муҳтож кишиларга 700 дан ортиқ ногиронлар аравачаси ажратиб берилди. Минглаб одамлар протезлар, эшитиш аппаратлари билан таъминланди. Беморларни даволаш, уларнинг ҳонадонлари, ётган ҳоналарини таъмирлаш ва турли маиший ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашилди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Оқтепа маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Таисия Кузнецова билан суҳбатлашсангиз, меҳр-шафқат ҳамшираси Шоҳиста Қурбонова ҳақида доимо тўлқинланиб гапиради. Дуо қилади. Шоҳистахон мана, тўққиз йилдирки, ёлғиз, кекса беморларга ғамхўрлик қилиб келмоқда. У ўзининг оталиғидаги 15 нафар қарияга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш, дори-дармон келтириш, зарур бўлса укол қилиш, қариндошларига хат ёзиб бериш каби кўплаб юмушларни беминнат бажаради. Кўпинча уларга овқат тайёрлайди, газета-журналлар ўқиб беради.

Шохистахон Қурбонова Германия тиббиёт-ижтимоий маркази билан ҳамкорликда тумандаги 180-мактаб ўқувчиларини биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ҳам ўргатмоқда. Шундай ажойиб инсонлар Тошкент вилоятида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг беминнат хизматлари туфайли ёлғиз, кекса кишилар беташвиш ҳаёт кечиришмоқда.

Дилбар НИЁЗОВА.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси Угандадаги Америка элчихонасига бир гуруҳ мутаассиблар томонидан уюштирилган фитнанинг олдини олишга муваффақ бўлди.

• ҲИНДИСТОН ва Покистон раҳбарияти барча ихтилофли масалалар бўйича яна музокараларни бошлашга келишиб олдилар. Ана шу муаммолар ичига Кашмир мозороси ҳам киради.

• ОЛМОНИЯ полицияси Гамбург шаҳрида АҚШ ваколатхонасини қўриқлаш бўйича фавқулодда ҳолат жорий қилди.

• ЖАҲОНДАГИ қатор мамлакатлардан келган донгдор жарроҳлар Францияга йиғилиб, инсоннинг узилиб кетган қўлини қайтадан тиклаш бўйича нодир операция ўтказдилар. Улар Янги зеландиялик Клинт Ҳаллэннинг олдинги қўли ўрнига донордан олинган янги қўл ўрнатдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ҲАРБИЙЛАР ЧИРЧИҚДА ЧИНИҚДИЛАР

ЎТГАН ҲАФТА охирларида Ўзбекистон Республикаси худудида «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида НАТО мамлакатлари ҳамда ҳамкор давлатлар иштирокида ўтказилган «Марказий Осиёбатальони—98» дала машқлари муваффақиятли якунланди.

Ҳарбий машқларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Туркия, Озарбайжон ва Грузия қуролли кучларининг бўлинмалари иштирок этдилар. Бир қанча мамлакатлар қуролли кучлари вакиллари кузатувчи сифатида қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг мазкур машқлар иштирокчиларига йўллаган кутловида Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ сингари нуфузли ташкилотлар ҳамда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида тинчлик ўрнатиш борасида фаол иштирок этаётганини таъкидлаган эдилар.

Қўйилган барча вазифалар кўнгилдагидек адо этилганидан сўнг Чирчиқдаги машқ марказида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилган «Марказий Осиёбатальони — 98» машқларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Унда машқларда иштирок этган мамлакатлар ҳарбий делегациялари раҳбарлари, қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари, чет эллик ҳамда республикамиз журналистлари, кўп сонли меҳмонлар қатнашдилар.

Машқларнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Миллий Хавфсизлик Кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-лейтенант Х. Турсунов иштирок этди. Машқлар қатнашчиларига тантанали равишда эсдалик медаллари топширилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграганидан сўнг «Марказий Осиёбатальони — 98» машқлари байроғи туширилди.

БУНДЕСТАГ САЙЛОВЛАРИ

ЎТГАН ЯКШАНБА куни Олмония аҳолиси Бундестаг депутатлигига ўтказилган сайловларда иштирок этди. Улар Бундестагдаги Христиан-Демократик иттифоқи — Христиан-Ижтимоий Иттифоқи фракциясининг раиси, ҳозирги канцлер Гельмут Коль ҳамда Олмония Ижтимоий-Демократик партияси номзоди, Қуйи Саксония вилояти бош вазири Герхард Шредерларнинг канцлерлик курсисини эгаллашлари учун ҳам овоз бердилар. Олмония Бундестагида 656 нафар депутат фаолият кўрсатади. Г. Шредер ютиб чиқди. Энди Бундестаг федерал президент таклифи билан канцлерни сайлайди.

БОТҚОҚЛИКДАГИ ЧАВАНДОЗ

ШОТЛАНДИЯДА торф ботқоқликлари анчагина. Мазкур мамлакат фуқароси Дональд Мак-Грифф ёқилғи сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган торф заминини кавлаётиб, ғаройиб топилмага дуч келди. Беш-олти метр чуқурликдан у от миниб олган чавандоз ҳайкалини топиб олди. Топилма жуда яхши сақланган эди. Ўтган асрлар «вакили» бўлган чавандоз тарихий аҳамияти жиҳатидан ўта нодир ҳисобланмоқда.

ЎЛИМДАН КЕЙИНГИ ИСТЕЪФО

БЕЛЬГИЯДА ҳорижий мамлакатлардан келган минглаб «келгинди»лар яшайди. Мамлакат қонунига биноан рухсати йўқ кишилар бу диёрдан бадарға қилиниши лозим. Ана шундайлардан бири нигериялик йигирма яшар Семира Адам эди. Уни Бельгиядан чиқариб юбориш учун пойтахт тайёрагоҳига келтирдилар. Бироқ, у самолёт ичига киргач, жон ҳолатда қичқира бошлади. Унинг овозини ўчириш учун полициячилар Семиранинг оғзига махсус ёстиқча қўйдилар. Аммо, С. Адам дафъатан ўзидан кетиб қолди. Бироздан сўнг уни амаллаб ўзига келтирдилар ва Сент-Луи шифохонасига жўнатдилар. Бахтга қарши, Семира бу ерда яна хушини йўқотди. Қурилган муолажаларга қарамай С. Адам бу дунёдан кўз юмди. Мазкур маш-маша атрофида кўтарилган ғавғо бирдан авжига чиқиб кетди. Оқибатда ички ишлар вазири Луи Тоббак истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

1898 ЭЛ СЕВГАН ЭЛБЕК 1998

ХАЛҚИМ ДЕБ ЯШАГАН ЭДИ...

АТОҚЛИ ўзбек шоири ва ёзувчиси, йирик журналист ва улкан педагог Элбек 20-30-йиллар ўзбек миллий маданияти тарихида катта нуфузга эга бўлган зиёли эди. Унинг номи Абдурауф Фитрат, Абдурахим Чўлпон, Усмон Носир сингари аллома ёзувчилар ҳамда профессорлар — Ғози Олим Юнусов, Абдурахмон Саъдий, Ашурали Зоҳирий, Ёқуб Омон, Шокиржон Раҳимий сингари йирик педагог-олимлар сафида ёндош туради.

Шоир Элбек шеърият бобида мингдан ортиқ тизма асарлар яратиб, яшаган даври позициясида ярашиғлиқ ўрин эгаллади. Унинг сочма асарлари — ҳикоялари, очерклари, эртак ва афсоналари сон-саноқсиз. Бу жиҳатдан ҳам яшаган даврининг катта ёзувчиси сифатида ном қозонган эди. У жумҳуриятда дарж этилган деярли барча нашр афкорларида фаол қатнашиб, ҳатто «Янги йўл» каби ҳафтаномаларга маълум муддат мутасадди бўлиб ишлаб ҳам ташкилотчи журналист, ўта толмас журналистлигини кўрсатган, буларда мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлган икки юзга яқин хабар, мақола ва публицистик асарлар битиб қолдирган қаламкаш эди. Бу томондан у ўз даврининг йирик журналисти сифатида тўла шаклланди.

Элбекнинг ижодиётида шеърият, проза, публицистика, фольклористика, журналистика соҳалари алоҳида ўрин тутса-да, бироқ тилшунослик ва адабиётшунослик билан боғлиқ ҳолдаги муаллимлик, яъни педагогик қирралари ҳар қандай вазиятда ҳам ялт этиб кўзга ташланадиган, бўртиб турадиган ноёб қирралар ҳисобланадики, бу нарса уни яратгувчи муаллим, улкан педагог сифатида эл орасида шуҳрат топтирди.

Элбек миллий мактабларда тарбиянинг кўз илғамас томонларигача эътибор берган, айниқса, мактабшуносликда ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг кўргазмали қуролларини яратишда ибратли ишлар қилган муаллим эди. У она тили ва адабиётини бошланғич мактабларда олиб боришнинг моҳияти, унинг барча ўқитиладиган фанлар учун ягона асос эканлигини илк бор кўтариб чиққан ва ўзи шунга амал қилган педагог эди.

Бугина эмас, унинг ўзи намунали дарс ўтиш, таълимнинг янгича усулларидан фойдаланиш, болаларда қоида ёдлатишдан воз кечиш орқали уларга фактлар ва воқеаларни кўрсатиш, сездириш ва тасаввур эттириш билан дарс ўтишни бошланғич синф она-тили муаллимларига ўргатарди. У бундай илғор педагогик усулларни ўз машғулотлари жараёнида амалий қўллаш билан чегараланиб қолмади. У ўзининг дарс ўтишдаги бой тажрибасини жумҳуриятнинг бошқа бошланғич синф муаллимларига ҳам улашди. Бошланғич мактабларда она тили ўқитишнинг илмий-услубий томонларини уларга методик ёрдам сифатида алоҳида китоб ҳолида чоп эттирди. Китоб «Туркдавнашр» томонидан 1924 йилда «Бошланғич мактабда она тили» номида чоп этилди.

Бугина эмас, Элбек мактабда саводхонликка амал қилувчи ва ўзи унга бош бўлувчи педагог эди. У ҳар бир дарс берувчи шахс энг аввало ўзининг имлосига, яъни тўғри ёзувига амал қилишини талаб этарди. Чунки тўғри ёзув боланинг фикрлаш қобилиятини қайрайди, дерди. Ана шулардан келиб чиқиб, Элбек жумҳурият мактабларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир бошланғич синф ўқитувчиси, журналистлар учун ягона тўғри ёзув қоидаларини яратди.

Маълумки, Элбеккача ёзувимиз — араб графикаси асосидаги мумтоз ёзувимизга аниқ бир қонун ва қоида йўқ эди. Мулла билганини ўқийди, деганларидек, зиёлилар ўз билган қоидаларига асосланиб ёзардилар. Элбек бундай ҳар-хилликларга барҳам бериш учун ўзининг 1921 йили «Туркдавнашр» томонидан «Ёзув йўллари» номида китобча чоп эттирди ва савобли ишга қўл урди.

Элбек ўзининг бой бадиий ижоди, ибратли педагогик фаолияти давомида ўзбек ва қозоқ мактаблари учун талай дарслик ва қўлланмалар, мажмуалар яратдики, унинг бу асарлари 20—30-йиллар ўзбек мактабшунослиги ва таълим тизимида болалар ва муаллимлар орасида ягона дастуриламаллик вазифасини ўтади. Шу боис ҳам унинг дарсликлари такрор ва такрор чоп этилиб борган.

Гапнинг қисқаси, Элбек ниҳоятда бой ижодиёти намуналарини жам қиладиган бўлсак, салмоқли олти жилдни ташкил этади. Камина унинг қаламига мансуб бўлган деярли барча асарларни тўплаган, булардан бир гулдаста сифатида 22 босма табоқли сайланмани юбилейига тортиқ қилишни кўзлаб тегишли кишиларга топширди. Тадқиқотчининг кўзидан қочган шоирнинг яна бошқа асарлари ҳам бўлиши мумкин. Буларни текшириш келажак тадқиқотчиларга ҳавола.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

***МАДАНИЯТИМИЗ** тарихида халқимиз бадиий тафаккур даҳосининг маҳсули сифатида юзага келган нафис сўз санъати дурдоналари ниҳоятда беҳисоб. 20-30-йилларда ўзбек адабиётида, маданий оламида юксалиш йиллари бўлди десак, янглишмаган бўламиз. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек ва бошқа қатор алломаларимизнинг асарларида мислсиз маҳорат билан тараннум этилган эзгулик, озодлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик каби инсоний ғоялар одам боласини ҳамиша камолот сари етаклай олади. Ана шу даврда адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз бир поғона юқориға кўтарилганлиги ҳам сир эмас.*

***СУРАТДА:** 1929 йили Тошкентдаги Фитрат хонадонида ўзбек классик мусиқасига манбаа тўплаш пайти акс эттирилган. (чапдан ўнгга) Фитрат, Чўлпон, Мулла Тўйчи, Домла Ҳалим Ибодов, Шайхзода ва Элбеклар ўзаро мулоқотда.*

Мусаввир Маҳмуд ЖЎРАЕВ.

ОНА

(ҳикоя)

Эттага Йўлдошнинг ўқушғо кетадурғон куни. Доланинг ёқимли ҳавоси, қушларнинг мунгли товуши, кишиларнинг ҳайқириқ ғовғоси унинг кўнглига бошқача таъсир бера бошлади. Эртадан бери унинг хаёли бир масала устида боғланғон, юраги эса дала нарсадан иғлағон эди.

Ҳар кунги шодланиб юрган Йўлдош бу кун қойғили, маъюс бир ҳолда. Нега бундай? Буни, Йўлдошнинг ўзи ила меҳрибон онасиғина биладир.

Куннинг кеч бўлиб бориши Йўлдош билан басмабас ўйношғон каби кўринарди.

Кеч бўлди. Кундузги товушлар ҳам қуёш сўнгғидан секин-секин йўқола бошладилар. Энди, кеча жониворлари товушлари борича қичқира бошладилар, чигирткалар чириллай, қалин уя солғон яполоқ қуш ёқимсиз товуш билан ку-кулай бошладилар.

Кенг қирнинг бағрида ётқон Йўлдош бу аламли товушлар ичида ёстиққа бош қўйиб тушинарди. Ул эртага қишлоғидан шаҳарга жўнашин ва узра узоқ қолиб, ёлғизликда ўқишин ўйларди. Уйқи унинг кўзидан узоққа қочди.

Ул ёшлиқдоғи ҳолларидан тортиб, ҳозирғи ўқимоқда бўлғон вақтлариғочо бир-бир ўйлаб чиқди. Кенг далаларда яйраб ўйнашлар, уй ичида ота-она бағрида қувониб юришлар уни кеткизишга қўймас эдилар.

Йўлдош бошин кўтарди. Теграсига қоради. Онасини уйғоқ ҳолда кўрди. Ўз-ўзига: «Бу қандай ҳол, соат иккилар бўлсада онам ухламайдир», дедида, яна ёстиққа бошин қўйди. Турли ҳаёллар ичида уйқиғо кетганинда билмай қолди.

Унинг ухлағониға ҳали кўп вақт ҳам ўтмаган эди. Бирдан уйғонди. Кўз олдида инсоннинг ёстиққа суянғон ҳолда қўлин жоғиғо қўйиб термулиб турғонин кўрди.

— Она, нечун ётибсиз? — деди. Онанинг бунга қарши жавоби ёлғиз хўрсинишғина бўлди.

Йўлдош учун юзларча чақирим йўлни юриш керак. Унинг минадурғон оти ҳам йўқ. Кўмаклашучи кишисида йўқ. Ёлғиз кўмакчиси икки оёқлариғина.

Тонг чоғи эди. Йўлдош йўлға тайёрлана бошлади. Қўлиға бир таёқ олди. Белбоғига икки-уч нон солдида белига боғлади. Энди ул бу икки йўл ёро билан узоқ сафарни чоғлади.

Ул маъюсланган бир ҳолда йўлға тушаркан қулоғига: «Тўхта болам» деган ўтли бир товуш эшитилди. Бояқиш она кун, тун бўйи қовурилғон юрагидаги доғи ўтди «тўхта болам» деган сўз билан яна алангалатди. Кўз ёшларини оқизиб, ўғлининг бўйниғо қўлин тошлади.

— Ўғлим, айлансин онанг. Киши деган иссиқ жондия, мен сени кута-кута жонимдан ҳам айрилай деб қолдим. Йил ўн икки ой сенинг йўлингго термуламан. Энди онангни соғинтирмағил...

Йўлдошнинг юрагин эзгувчи бу сўзлар унингда кўзларига ёш келтирмай қўймади. Ул товуш чиқоришғода улгура олмади. Ўпкаси тўлғон ҳолда ерга қораб кета бошлади. Лекин она севгиси буни ўзига тортди. Эрксизча кетига ялт этиб бир қоради. Она бояқишнинг ҳали ўрнидан қўзғолмай турғонин кўрди. Унинг икки қўллари боласини қучғон ҳолда қандай вазиятда эса ҳали ўшал вазиятни сақлаб турарди, кўтарилганча қолғон эди.

Йўлдош ўзига тасалли берди. Йўлиға давом этди.

— Хайр қишлоқ, ҳайр менинг онажоним, узоқ вақт ўтмас, мен сенинг бағрингда йўнарман, меҳринггा қонарман...

Йўлдош шаҳарга етиб ўқий бошлади. Қиш бўйи ўқиб, мактабини тугатгач, яна қишлоғиғо қайтди.

Унинг кўнгли энди севинчлар билан тўлғон эди. Кўзига ҳар нарса кулиб қорағон каби кўринарди.

Икки кун йўл юриб қишлоқғо етди. Ошиққанича уйиға кирди. Бу келишда меҳрибон онасини севинтирмак ва унинг севинчига ўзи ҳам қўшилиб севинмак истарди.

Лекин, лекин... она бояқишни кўрмади. Бир бурчакда оппоқ соқолини силкиллатиб, ўғлининг кўзига тикилиб тургувчи отаға кўзи тушди.

Ота ёшли кўзи билан:

— Онангни охтарма, онанг ўлди... — деди.

Йўлдошнинг юраги эзилди, йиғлади. На чора? Йиғи уни юпотмади, ул онасининг қабри ёнига борди.

Қалин ёғочлар, кўм-кўк япроқлар ичра қизариб кўринган тупроқ тўплами Йўлдош учун бир нарса демади.

Кўз олди қоронғилашғон ҳолда қабр ёнидан қайтаркан, онасининг:

«Онанг айлансин, киши иссиқ жондия, мени соғинтирма», деган сўзлари эсига тушди.

«ЕР ЮЗИ», 1925 ЙИЛ.

ЧИРЧИҚ

«Чирчиқ» сувиға азот завити ва иликтрик истансаси солинадир».

Хабардан.

I

Ўтса ҳам узоқ замон,
Чиқмас эсимдан ҳамон.
Нега ҳам чиқсин, ахир,
У тортса ўзи томон.

Мен ҳам унинг бўйида.
Бир замонлар ястаниб
Ошиқ каби ётмишдим
Хаёлларга ботмишдим.

Эрта-ю, кеч мол боқиб
Сим-сим таёқ ўйнардим.
Гулхон солиб тол ёқиб,
Шодланардим, қувнардим.

Сув бўйида буъақлаб
Утган «Чирчиқ тол» таги —
Уйим, ётоғим эди,
Боғим, чорбоғим эди.

Баъзан унинг тагида
Узоқ замон қолардим.
Аллақандай қўрқинчлар,
Ваҳимларга толардим.

Шу чоқларда қулоғим,
Тиккаярди қоларди.
Ҳар бир тутғон авини
Юрагимга соларди.

Қаршимдоғи қайрағоч,
Кўп яшаған бир оғоч —
Ҳувилларди, йиғларди,
Уз бағрини тиғларди.

Аъзон, алла қаёқда,
Ут ёнғондай бўларди.
Икки кўзим жиққа-жиқ
Ёшлар билан тўларди.

Узоқ-олис сойлардан,
Баланд-пастлик жойлардан
Қўрқинч товуш учарди,
Бўшлиқларни қучарди.

Чирчиқ кўпириб тошиб,
Қирғоқлардан ошиб,
Аччиқланиб турарди,
Узин ҳар ён урарди.

Гўё тутқин сингари,
Теграсига боқарди.
Уксиб-ўксиб энтикиб,
Шошиб-шошиб оқарди.

Баланд-баланд зўр тоғлар,
Ураб ўнгу-сўлини,
Истагига қуймасди
Тўсиб унинг йўлини.

У чиғаниб кетига,
Ночор яна қайтарди.
Утли-ўтли қичқириб
Алла нима айтарди.

Унинг ушбу холини
Фақат мен ҳам қайрағоч —
Сезар эдик, туярдик.
Иккимиз ҳам куярдик.

Унинг қирғоқ бўйида
Биз иковлон кўб замон
Бирга турдик, сўзлашдик
Ғам, шод куйи куйлашдик.

II

Еллар қуйлаб эсдилар,
Қайғи йўлин кесдилар,
Тощдилар ҳарён селлар
Уйғонишдилар эллар.

Қандай шамол учириб
Мени яна шул томон
Элтди, боқдим мен шу он,
Тополмадим бир нишон.

Қари, кекса қайрағоч,
Алла қачон синибдир.
Ҳувилловчи қуйлари
Бутунлайин тинибдир.

Унинг тўнка тубидан
Кичик новда ўсибдир.
Гўё у бир қалқондай,
Қўрқинч йўлин тўсибдир.

Менинг эски ётоғим,
Қувнинг юзин ўпкали
Узин унга отибдир,
Белдан сувга ботибдир.

Гўзал эса шўх боқиб,
Ошиқларға ут ёқиб,
Ел сингари оқадир,
Гуллолалар тақадир.

Эрта-ю, кеч ўйнайдир,
Зерикмайдир тинмайдир.
Чолғи чолиб куйлайдир,
Чолғиси ҳеч синмайдир.

Баланд-баланд зўр тоғлар
Қишлоқ, овул, чорбоғлар
Ошиқ бўлишиб унга
Ишқида юрак доғлар.

Кндузлари қизариб
Қуёш унга боқадир.
Ҳатто унинг кўксига
Ишқ гуллари тақадир.

Кечалари ой, юлдуз.
Кўз олмайин термилиб
Унга қараб ётадир
Оҳ, воҳ билан ботадир.

Қоп-қоронғи ерлардан
Шошиб чиқиб булоқлар,
Югуришиб елалар,
Кўрмак учун келалар.

Юмшоққина кўк ўтлар
Томоқларин қоқалар
Узоқ-узоқ ерлардан
Бўйин чўзиб боқалар.

Кўндаланг тушиб ётғон
Қайроқ, ялтироқ тошлар
Йўлиға қўйиб бошлар,
Тинмай кўзларин ёшлар.

Лекин бу ҳеч уларға
Қарамайдир, чопадир,
Ким биладир, кимни у,
«Ошиқим!» деб топадир.

III

Сир сақловчи «Сир» суви
Қирғоқдоғи жонлар-ла,
Гангур-гунгур сўйлашиб
Секин-секин юрарди.

Кенг-кенг қирлар, далалар,
Қизғалдоқлар, лолалар
Унга томон кўз тикиб
Қорабғина туралар.

Тун кўп ёмон қоронғи,
Кўринмасди йироқлар.
Ўқтин-ўқтин тек — фақат
Милтирарди чироқлар.

Шу чоқ кучли бир товуш
Ерди Сирнинг юрагин.
Шошиб қолиб қайиқчи,
Эшолмади курагин.

Фақат сўнгра у билди
Чирчиқ суви тошғанин.
Андаккина дам олиб,
Тарқатди бўшашғонин.

Еллар Чирчиқ ҳолидан,
Хабар топғон эканлар.
Олмоқ учун севинчи
Сирға чопғон эканлар.

Ортиқ севинчка тўлиб
Юраги так-пук бўлиб
Деди Сирга: «Отажон»
Донғим кетди ҳар томон.

Менинг кучим олдида
Кўк ҳам бошин эгадир.
Тоғлар боши қаршимда
Ерга қадар тегадир.

Ҳатто, кучли қаҳрамон
Иш ўрдуси, чин инсон —
Ишчилар ҳам сезалар,
Атрофимда кезалар.

Улар ёни-веримга
Қурмоқчилар «завут»лар,
Битмас кучим орқали
Олмоқчилар «азот»лар.

Кўрдингизми, ҳув, ана!
Менга қараб туралар.
Қизғин-қизғин сўзлашиб
План-режа қуралар.

Яъни доим мен билан
Сўйлашмакчи бўлалар.
Кучли, дардли ишқ куйин
Куйлашмакчи бўлалар.

Отажоним, отажон,
Айткил менга, отажон.
Борми бутун дунёда
Мендек бахтли, қаҳрамон!

Кучли-кучли боқишим
Жон берадир жонсизга.
Уйнаб-уйнаб оқишим
Қон берадир қонсизга!..

IV

«Сир» Чирчиқнинг юз, кўзин,
Юмшоққина силади.
«Мангу қолғай севинчинг!»
Деб тилаклар тилади.

Икковлари севинчка,
Тўлиб, тошиб боралар.
Ой, булутлар ичидан
Секин-секин маралар.

1929, 14 май.

ХАЗИНАГА ЙЎЛЛАНМА

ШОИР ЭЛБЕК КИТОБЛАРИНИНГ БИБЛИОГРАФИК КЎРСАТКИЧИ

1. Армуғон. Масаллар тўплами. «Туркдавнашр», 1921.
2. Ёзув йўллари. Бошланғич мактаблар учун. «Туркдавнашр», Т., 1921. 30 бет.
3. Ўзбекча ўқиш китоби. Бошланғич мактаблар учун. «Туркдавнашр», Т., 1922 йил:
Биринчи бўлим, 1 — ўқиш йили учун. 60 бет (хамкор Ф. Сайфий).
Иккинчи бўлим, 2 — ўқиш йили учун. 100 бет (Ф. Сайфий, Элбек ва Ғофирхоновлар).
Учинчи бўлим, ўқиш йили учун. 56 бет (Сайфий, Элбек).
4. Ўзбек ёш шоирлари. Тўплам. Муаллифлар: Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек.
104 бет. «Туркдавнашр», Т., 1922.
5. Армуғон. Масаллар туплами. 2-нашри. Т., 1923.
6. Бошланғич мактабда она тили. Ўқитувчилар учун қўлланма.
«Туркдавнашр», Т., 1923, 23 саҳифа.
7. Ғўзал ёзғичлар. Бошланғич мактабларнинг 4-синфлари учун мажмуа.
«Туркдавнашр», Т., 1924, 86 бет.
8. Ғўзал ёзғичлар. Бошланғич мактабларнинг 4-бўлимлари учун ўқиш китоби. 3-нашр. «Ўздавнашр», Т., 1925, 108 бет.
9. Ўрнак. Бошланғич мактабларнинг ўқиш китоби. «Ўздавнашр», Т., 1925 йил:
1. Биринчи йил учун, 2-нашри, 92 бет.
2. Иккинчи йил учун, 98 бет.
3. Учинчи йил учун, 2-нашри, 91 бет.
10. Ёлқинлар. Шеърлар. «Ўздавнашр», Т., 1925. 47 бет.
11. Кўзгу. Шеърлар. «Ўздавнашр», Т., 1925. 72 бет.
12. Қўшчи Турғун. Ҳикоя. «Ўздавнашр», Т., 1925, 39 бет.
13. Кўзгу. 2-нашр. Т., 1926.
14. Билим (хамкор). Бошланғич мактаблар учун ўқиш қитоби. Тошкент — Самарқанд, «Ўздавнашр», 1926 йил:
1 бўлим. 1-синф учун, 121 бет.
2 бўлим. 2-синф учун, 170 бет.
15. Ҳайвонлар. Мактабгача ёшдаги болалар учун расмли китоб. Самарқанд — Тошкент, 1926, 16 бет.
16. Сезгилар. Шеърлар. «Ўздавнашр», Т., 1927, 50 бет.
17. Элбек, Любенцов. Билим. Хрестоматия. Бошланғич мактаблар учун.
«Ўздавнашр», Самарқанд — Тошкент 1929 йил:
1-ўқиш йили учун, 134 бет.
2-ўқиш йили учун, 228 бет.
3-ўқиш йили учун, 443 бет.
18. Элбек, Лубенцов. Билим. Озбекистандаги қазақ мектептери ушун укув қурали.
2-оқув жили ушун. Самарқанд — Тошкент., 1930 йил. 212 бет.
19. Билим. Ўқиш китоби. Бошланғич мактаблар учун. 4 бўлим.
Самарқанд — Тошкент, «Ўздавнашр», 1930 йил:
Биринчи бўлим. 1-йил учун, 48 бет.
Иккинчи бўлим. 2-йил учун, 164 бет.
Учинчи бўлим. 3-йил учун 248 бет.
Тўртинчи бўлим. 4-йил учун, 368 бет.
20. Меҳнат қуйлари. Шеърлар, «Ўздавнашр», Самарқанд — Тошкент., 1930, 49 бет.
21. Баҳор. Шеърлар. «Ўздавнашр», Т., 1929.
22. Шеърлар. Тўплам. «Ўздавнашр», Т., 1934
23. Тозагул. Достон. «Ўздавнашр», Т., 1934, 217 саҳифа.
24. Ўзбек шаклдш сўзлар луғати. «Ўздавнашр», Т., 1934.
25. Ғунчалар. Шеърлар. «Ўздавнашр», Т., 1935.
26. Чирчиқ бўйларида. Шеърлар. «Ўздавнашр», Т., 1935.
27. Эртаклар. «Ўздавнашр», Т., 1935.
28. Ашулалар тўплами. «Ўздавнашр», Т., 1935.
29. Адабиёт хрестоматияси. «Ўздавнашр», Т., 1936.
30. Халқ этраклари (хамкор). «Ўздавнашр», Т., 1936.
31. Дадамат. Ҳикоялар тўплами. «Ўздавнашр», Т., 1936.
32. Шеърлар. Тўплам. «Ўздавнашр», Т., 1937.
33. Болалар қўшиғи. «Ўздавнашр», Т., 1937.
Шоирнинг бундан бошқа рисола ва китоблари ҳам бўлиши мумкин. Камина имкон қадар қидириб топгани шулар бўлди.
Текширишларим оқибатида шоирнинг 30-йиллар ўзбек адабиётида воқеага айланган таржималари жуда кўп эканлиги маълум бўлди. Улар ўрис адабиётининг дарғалари А. С. Пушкин, И. Крилов, М. Лермонтов, А. Некрасов кабиларнинг ҳикоя, масал ва бошқа жанрдаги асарларини ўрис тилидан ўзбек тилига ағдарган, ўзбек ўқувчиларини таништирган асарлар.
ЭСЛАТМА: У 1935 йили «Ўзбек маънодош сўзлари луғати»ни яратган. Аммо луғат чоп этилган бўлса-да, ундан бирон нусха топиб бўлмади.

ДОСТОНЛАРГА ИЗОҲЛАР

ҒЎЗАЛ ҚИЗ. «Ер юзи» журналининг 1927 йил 18-сонида босилиб, шу йили «Сезгилар» шеърлар тўпламида ҳам чоп этилган.
ПАХТА. 1929 йил 15 сентябрда ёзилган, шоирнинг 1930 йили босилиб чиққан «Меҳнат қуйлари» тўпламига киритилган.
БИЗНИКИ. Бу якка хўжалик, камбағал-деҳқонлар ҳаётига бағишлаб 1929 йил 15 октябрда ёзилган, «Меҳнат қуйлари» тўпламида босилган.
ЎТМИШИМ. Шоирнинг таржимаи ҳолини акс эттирадиган ва ўша давр турмуш тарзидан ҳикоя қилувчи ушбу достон 1929 йил 4 февралда тугалланиб шоирнинг 1929 йили босилиб чиққан «Баҳор» шеърлар тўпламига киритилган. 1936 йилда Элбек томонидан тузилган «Адабиёт хрестоматияси»да қисқартиришлар билан берилган.
КЎК ҚИЗИ. 1929 йил 8 майда ёзилган, «Баҳор» тўпламига киритилган.
ОНА. «Аланга» журналининг 1930 йил 4-сонида эълон қилинган ва «Меҳнат қуйлари» шеърлар тўпламига ҳам киритилган.
АНОРЖОН. Кўклам экин ишларига бағишланган бу асар 1930 йил 15 мартда ёзилган, «Меҳнат қуйлари»да чоп этилган.
ЧИРЧИҚ БЎЙЛАБ. Қизил қушининг ташкил бўлганига 15 йил тўлиши муносабати билан ёзилган. 1934 йилда босилиб чиққан «Шеърлар» тўпламида берилган.
ЎЗБЕКИСТОН. 1934 йил 20 октябрда ёзилган, шоирнинг 1935 йили чоп этилган «Ғунчалар» шеърлар тўпламига киритилган.
ТУРМУШ ВА КУЧ. Шоирнинг 1931 йил 10 май куни шанбаликка борганлиги муносабати билан ёзилган, «Шеърлар» тўпламида чоп этилган.
КИШЛОҒИМ. Бу ихчам достон 1934 йил 3 июлда ёзилган. Уни 1935 йили босилиб чиққан шоирнинг «Чирчиқ бўйларида» тўпламига киритилган.
МЕРГАН. Автобиографик характердаги ёдномаларни эслатувчи ушбу достон 1935 йил 2-11 июль кунлари ёзилган, «Чирчиқ бўйларида» шеърлар тўпламига киритилган.
ЭТИК. Асар 1935 йил 17 июлда ёзилган, «Чирчиқ бўйларида» шеърлар тўпламига киритилган.
БОҒБОН. «Чирчиқ бўйларида» тўпламига киритилган.
«ТОЗАГУЛ» асари ҳақида
Ушбу асар 1933 йили ёзиб тугатилган. Уни шоир достон деб атаган. Аммо асарнинг характери, воқеалар тасвири, мавзу қаламининг кенглиги, қаҳрамонларнинг кўплиги, муаммолар ечимининг чигаллиги уни шеърий роман даражасига кўтарган. Асар ҳажми 5823 мисрани ташкил этади. Асар 1934 йили алоҳида китоб ҳолида босилиб чиққан.

МАСАЛЛАРГА ИЗОҲЛАР

ҚУЙРУҚСИЗ МАЙМУН. Ушбу масал шоирнинг 1921 ва 1923 йилларда чоп этилган «Армуғон» масаллар тўпламига киритилган. Масал 1919 йил 3 октябрда ёзилган.
СИЧҚОН ХОННИНГ ҚИЗ УЗАТИШИ. 1921 йил 2 сентябрда ёзилган, «Армуғон»да эълон қилинган.
«КАМПИРНИНГ ТОВУҚЛАРИ», «ОЛАҚАРҒА БИЛАН ҚУРБАҚА», «СИЧҚОНЛАР КЕНГАШИ», «КИМ АЛДАМЧИ», «КЕМАЧИ ИЛА ҲАКИМ» масаллари «Армуғон»да берилган.
ОТ ИЛА ОДАМ. «Армуғон»да ва «Кўзги» номли шеърлар тўпламида чоп этилди.
ЭСЛИ ЭШАК. 1921 йил 1 сентябрда ёзилган, «Армуғон» тўпламига киритилган.
ЖИННИНГ ОЛОВ ЁҚИШИ. 1921 йил 25 августда ёзилиб, «Армуғон»да берилган.
КУЧСИЗЛАР ДУНЁСИ. 1921 йил 1 сентябрда ёзилган, «Армуғон»да берилган.
«ИТЛАРНИНГ ЎРТОҚЛИҒИ», «ҚАЙСИ БИРИ БЎРИ» масаллари 1921 йилда ёзилиб, «Армуғон»га киритилган.
ЙИРТҚИЧЛАР МАЖЛИСИ. 1922 йил 28 апрелда ёзилган, «Қизил байроқ»нинг 1922 йил 5 май сонида, «Кўзги» тўпламида босилган.
ШАБ ПАРРАЛАР ҚАРРОРИ. 1922 йил 15 декабрда ёзилган, «Кўзги» тўпламидан жой олган.
ЖОНИВОРЛАР БИРЛИГИНИНГ БУЗИЛИШИ. 1923 йил 14 октябрда ёзилган, «Кўзги» тўпламига киритилган.
ЕЛҚАН БИЛАН ҚЕМА. Шоирнинг 1925 йилда чиққан «Ёлқинлар» номли шеърлар тўпламида киритилган.
ШОЛИ БИЛАН ҚУРМАК ОРАСИДА. 1925 йил февралида ёзилган, «Ёлқинлар» тўпламига киритилган.
ҚОРА ҚУШЛАР БИЛАН ТАШБАҚАЛАР. «Ёлқинлар» тўпламида босилган.
ШОЛИ ИЛА ҚУРМАК. Бу шоирнинг 1927 йилда босилиб чиққан «Билим» номли бошланғич синфлар учун тузган дарслигида берилган.
ЧИВИН ИЛА ЧУМОЛИ. 1927 йили босилиб чиққан «Сезгилар» шеърлар тўпламига киритилган.
ҚУЯН ИЛА ТОШБАҚА. Халқ афсона-эртаклари асосида ёзилган ушбу асар шоирнинг 1936 йили босилиб чиққан «Адабиёт хрестоматияси» дарслигига киритилган.
ИМОМ БИЛАН ҚЎЙЧИБОЙ. Бу масал ҳам шоирнинг «Адабиёт хрестоматияси» дарслигида берилган.

ШЕЪРЛАР ВА ҚЎШИҚЛАР ШАРҲЛАРИ

ЭКИНЧИ. 1920 йил октябрида ёзилган, 1921 йил 31 январда «Қизил Байроқ»да босилиб, шоирнинг «Кўзги» тўпламига ҳам киритилган.
ҚУКНОРИ ХАЕЛ. 1922 йил 15 декабрда ёзилган, «Кўзги» тўпламида берилган.
«БОДРОҚ СОТУВЧИНИНГ АШУЛАСИ», «ҲУКИЗ АЙТАДИ» қўшиқлари шоир халқ оғзаки ҳазинасидан ёзиб олган, мактабгача тарбия ёшидаги болаларга аталгандир. Бу қўшиқлар Элбекнинг 1937 йили босилиб чиққан «Болалар қўшиғи» китобига жойлаштирилган.
МОМОГУЛДИРАК. Бошланғич синфлар учун тузган «Адабиёт хрестоматияси» дарслигида берилган.
БАЛИҚ ОВИ. «Адабиёт хрестоматияси»га киритилган.

ЭРТАК-ДОСТОНЛАР ШАРҲЛАРИ

БОТИР ҲУРОЗЧА. 1922 йил 12 майда ёзилган, «Кўзги» шеърлар тўпламига киритилган.
МОЗОР. «Кўзги» шеърлар тўпламига киритилди. Элбек қаламига мансуб бўлган, бошланғич мактаблар учун тузилган «Ғўзал ёзғичлар» (1925) дарслигида ҳам берилди.
ТАВБА. 1925 йилда чоп этилган шоирнинг «Ёлқинлар» тўпламида эълон қилинган.
ТЎЛИН ОЙНИНГ ТЎЙИ. Асар 1926 йил 12 апрелда ёзилган, 1927 йилда «Сезгилар» тўпламида берилган.
ТЕМИР. «Ер юзи» журнали 1927 йил 22 сонида чоп этилган.
ҲАЙВОНЛАР. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ёзилган, суратли ушбу китобга шоирнинг 15 та шеъри киритилган; чигиритка, қурбақа, ҳўроз, қуён каби жониворлар ва уларнинг яшаш муҳити, руҳий олами шеър орқали кичкинтойларга етказилади. Ҳар бир сурат ўз руҳиятига кўра турли рангбўёқлар билан моҳирона чизилган. Китобча 1926 йили «Ҳайвонлар» номи билан Тошкентда чоп этилган.
КАМБАҒАЛ ЙИГИТ БИЛАН ПАРДАС-ТУРХОН ҲАҚИДА ЭРТАК. Бу фольклор асари шоир томонидан 1934 йили ёзиб линган. Унга бадиий сайқал берилиб 1935 йили чоп эттирилган «Эртаклар» номли китобига, 1936 йили «Ўздавнашр» томонидан босиб чиқарилган шоир ҳамкорлигидаги «Халқ эртаклари» китобига ҳам киритилган.
ОМОНАТ. Ушбу эртак-достон шоирнинг 1935 йилда босилган «Эртаклар»ига киритилган.
ЭРКСИЗ ФОЛЧИ. Бу эртак-достон ҳам Элбекнинг «Эртаклар» китобига киритилган.
ХАЛҚ ҚУШИҚЛАРИ ШАРҲИ
«ЕР-ЕР», «ҚУЗИХОН», «БУҒМА БИЛАГИМ» эл қўшиқлари ҳамда Тошкентда турли касб эгалари тилидан ёзиб олган «ОМОН-ОМОН», «ПАХТА ТЎҒРИСИДА», «ФАБРИКА ТЎҒРИСИДА», «ЗАГС ТЎҒРИСИДА», «МАОРИФ-МАДАНИЯТ ТЎҒРИСИДА», «ЕРЛИ ХАЛҚЛАРДАН АСКАР ОЛИШ ҲАҚИДА», шунингдек Марғилон шаҳридан мардикорликка олинган вақтларда айтилган «МАРДИКОР ВОКЕАСИ» қўшиғини ҳамда Тошкент уезди, Бўстонлиқ тумани Хумсон қишлоғида яшовчи Маҳмуд Юнус ўғли тилидан ёзиб олинган «ЛАПАРЛАР»ни Элбек ўзининг 1935 йили Тошкент — Самарқанд тамғасида чоп эттирган «Ашулалар тўплами»га киритган.

СОЧМА АСАРЛАР ШАРҲИ

ҚЎШЧИ ТУРҒУН. Ҳикоя. Ер ислоҳоти ва унинг муаммоларига, ўзбек турмуш тарзига бағишланиб ёзилган, 1925 йили Тошкентда «Ўздавнашр» томонидан алоҳида китоб ҳолида чоп этилган.
ДАДАМАТ. Олти ҳикояни ўз ичига олган бу тўплам 1936 йили босилиб чиққан.
«ФОҲИША». 1925 йили «Ер юзи» журналининг 2-сонида босилган.
ОНА. 1925 йили «Ер юзи» журналининг 3-сонида босилиб чиққан ушбу ҳикоя, ёзувчининг «Дадамат» ҳикоялар тўпламида ҳам берилган.
АНОРГУЛ. Бу лирик ҳикоя «Ер юзи» журналининг 1926 йил 15-сонида чоп этилган. «Дадамат» тўпламига ҳам кирган.
ДАДАМАТ. Мазкур номдаги тўпламга киритилган.
ЧИРЧИҚ. Ҳикоя. «Дадамат» тўпламига киритилган.
МЕН КИМ БЎЛАМАН. Ҳикоя. «Дадамат» тўпламига киритилган.
ҚАҲҲОРХУЖА. Ҳикоя. «Дадамат» тўпламига киритилган.
ТИЛШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАР ШАРҲЛАРИ
ЁЗУВ ЙЎЛЛАРИ. Бу имло қоидалари 1921 йили Тошкентда «Туркдавнашр» томонидан 30 саҳифа ҳажмида алоҳида нашр этилган.

БЕЗОВТА ҚАЛБ НУРИ

...Ҳижрий 256, мелодий 869 йил ёзида эрталаб оқ қўйлак устидан узун енгли кўк чопон кийиб, бошига салла ўраган ўрта бўйли мўйсафид уч-тўрт нафар ҳамроҳи билан кўҳна Бухорони тарк этди. У ўзи туғилиб ўсган шаҳарга маъюс ва ҳорғин кўзларини тикиб, узоқ термулди. У шу тобда яна дийдорлашув насиб этармикан, қадрдон шаҳрим, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас.

Бу зоти шариф буюк ҳадисшунос имом Ал-Бухорий эди. У ювваш отини йўрттириб борар экан, болалиги, ёшлиги, ҳадис излаб ўтган жаҳонгашта умри бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Оллоҳнинг йўлида хизмат қилсин, деган эзгу ният билан унга «Абу Абдуллоҳ» деб исм қўйган падари бузруквори ҳаётдан эрта кўз юмди. У волидаи муҳтарамаси бағрида тарбияланди, мактабга борди.

Абдуллоҳ мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ кўнглида Қуръони Карим оятлари билан бир қаторда сарвари олам — Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳадисларини ёд олиш ва уларнинг мазмунини теран англаш майли падо бўлди. Илк севимли устози Ад-Доҳили унинг кўнглидаги бу илоҳий илҳомни янада ёлқинлатирди. Абдуллоҳ жаноби Пайғамбаримизнинг ҳадисларини улар айтилган Маккаи Муккаррама ва Мадинаи Мунавварада ўрганиш ҳаёли оғушида яшади. Тангри таолонинг иноятн билан унинг бу орзуси ушалди. Меҳрибон онаси ва акаси Аҳмад билан муборак Ҳаж сафарига йўл олди. Шунда у ўн олти ёшда эди.

Ҳаж маросимлари адо этилгач, онаси ва акасидан изн сўраб, ҳадис тўплаш мақсадида Маккада қолди. Ҳижозда олти йил шу илмни ўрганди. Саҳобалар ва уларнинг ишларини давом эттирувчи Тобеинлар ривоят қилган ҳадисларни тўплаб, «Тарих» китобини ёзди. У бир қанча мамлакатларда бўлиб, муҳаддислар билан танишди. Бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис тингладн. Унинг тинимсиз ижодий изланишлари натижаси ўлароқ, ҳадис илмида шоҳ асар — халқ ўртасида «Саҳиҳи Бухорий» номи билан машҳур «Ал-Жоме, ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам») дунёга келди.

Ўша давра уламою фузалоларининг далолат беришларича, Ал-Бухорий 600 мингта ҳадисни ёд олган. Шулардан бор-йўғи 7 минг 250 тасини тўпламига киритган. Бугина эмас. У ҳадисларни шундоққина китобига киритиб қўя қолмай, уларга маълум тартиб берган, мавзуига қараб бобларга ажратган. Яъни, «Саҳиҳ»нинг биринчи жилдига диний таълимот ва рукнлар, иккинчисига — шариат тартиб-қоидалари, учинчисига — Ислом ва Қуръони Карим тавсифи ва ниҳоят, тўртинчисига — урф-одат, маросим ва ахлоққа оид ҳадисларни киритган. Шунинг учун ҳам бу асар аллома ҳаёт чоғидаёқ энг етук ва мукаммал тўплам сифатида эътироф этилган.

Имом Ал-Бухорий ўзидан кейинги авлодларга жуда бой адабий ва илмий мерос қолдирди. Ул зот, «ал-Жоме, ас-Саҳиҳ»дан ташқари, йигирмага яқин асар ёзди. Улар орасида «Ал-Адаб Ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари») алоҳида ўрин эгаллайди.

Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

Аллома араб ўлкаларидан она юрти Бухорога қайтгунча ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини ҳадис илмини ривожлантиришга бағишлади. Бухорога қайтгач, шогирдларига шу илмдан дарс берди. Мана энди у уламоларининг таклифига мувофиқ ҳадиси шариф баҳсларида қатнашиш учун сайқали рўйи замин Самарқандга ошиқмоқда...

Бироқ, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига яқинлашганда аъзойи баданида ҳорғинлик сезди. Шу сабабли бу ердаги кариндошларидан бирининг уйига тушди. Бетоблик кучайиб рамазон ойининг сўнгги кунида олтмиш икки ёшида оламдан кўз юмди. Тақдири азал жаноб Пайғамбаримизнинг муборак ҳадиси шарифларини тўплаш мақсадида умрининг кўп йилларини сафарда ўтказган зотга шу шарафли йўлда бандаликни бажо келтиришни раво кўрди. Эртаси, ҳайит куни жаноза ўқилиб, имомни шу ердаги қабристонда тупроққа топширдилар.

Ривоятларга қараганда, буюк имомнинг қабридан нур таралиб турган. Уни тавоф этувчилар қалби иймону эътиқод, адлу инсоф нури билан мунаввар бўлган. Исломнинг беш арконларидан бири — Ҳажга отланганлар сафарга шу ердан дуои фотиҳа билан йўлга чиққанлар. Афсуски, ғайридинлар босқинчилиги-ю зулм-истибдодининг қора қўланкаси бу нурни хира торттирди. Зиёратчиларнинг қадами қирқилди. Қутлуғ қадамжо ҳаробага айлантирилди.

Беадад шукрлар бўлсинки, истиқлол туфайли Ватанимизни бир юз эллик йилдан кўпроқ чўлғаб ётган бадбин ғубор тарқалди, юрт озод ва обод бўлди. Имом Ал-Бухорийнинг безовта руҳи ҳаловат топиб, яна нур тарата бошлади. Эндиликда бу нур алломанинг қабри устида тикланган маҳобатли мақбаранинг нилий гумбазида, муҳташам масжиду мадраса — ҳадисшунослик саройининг равоқу пештоқларида, сарҳовузларнинг тиниқ сувларию улар атрофидаги атиргулларнинг беғубор баргларида, энг муҳими, аҳли мўминнинг, бизнинг қалбимизда ҳам абадий жилваланиб туражак.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ
ЎзА шарҳловчиси.

ТАНТАНАЛАР «ТУРКИСТОН»ДА БЎЛДИ

Мамлакатимизда барча санъат соҳалари каби профессионал композиторлик ижодиётига ҳам жиддий эътибор берилаётир. Пойтахтимизда симфоник ва камер мусиқа санъатига бағишланган илк йирик халқаро анжуман ўтказилганлиги бунинг яққол мисолидир. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ташкил этилган бу тадбирда жаҳоннинг композиторлик ижодиёти кенг тараққий этган йигирмага яқин мамлакат вакиллари, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари, Франция, Хитой, Туркия, Корея, Люксембург, Болгария каби йирик давлатлар, Марказий Осиё мамлакатларининг таниқли композитор, дирижёр, мусиқашунос ва созандалари иштирок этди.

Ўзбек миллий симфонияси мактабининг энг юксак ютуқларини халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этиш, айни пайтда жаҳон симфоник мусиқасининг янги намуналари билан таништиришни мақсад қилган фестиваль тўрт кун давом этди. Ана шу вақт мобайнида анжуман қатнашчилари ҳамда мусиқа санъати мухлислари хорижий ва ўзбек бастакорлари асарларидан иборат еттита концерт тингладилар. Симфоник, камер ва орган мусиқасидан иборат бу дастурларга Мутал Бурхонов, Икром Акбаров, Рустам Абдуллаев, Сайфи Жалил, Дилором Омонуллаева сингари ўттизга яқин бастакорларимизнинг асосан мустақиллик йиллари яратилган энг яхши асарлари киритилди. Уларни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, республика Телерадиокомпанияси камер оркестри, Тошкент Давлат Консерваторияси қошидаги мусиқали театр-студияси симфоник оркестри ва хор жамоаси, «Ёш истеъдодлар» камер оркестри, шунингдек, кўпгина таниқли хонанда ва созандалар ижро этди.

Халқаро мусиқа анжумани доирасида «Миллий анъаналар ва замонавий композиторлик ижодиёти» мавзуида давра суҳбати ҳам ўтказилди. Унда хорижий ва ўзбекистонлик бастакорлар, мусиқашунос олимлар қатнашиб, жаҳон замонавий композиторлик ижодиёти жараёнлари, янги йўналишлари тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирдилар. Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда мусиқа санъати, айниқса, унинг симфоник жанри юқори даражада эканлигини эътироф этдилар.

25 сентябрь куни пойтахтдаги «Туркистон» саройида Халқаро Симфоник Мусиқа Фестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни фестиваль Бош директори, Ўзбекистон Бастакорлар Уюшмасининг Раиси Рустам Абдуллаев кириш сўзи билан очар экан, бу тадбир Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг мантиқий давоми бўлиб, ҳақиқий санъат байрамига айланганлигини таъкидлади.

АҚШ Бостон университетининг профессори, мусиқашунос Петер Чайл ва хитойлик композитор Гиа Гианг ўз сўзида мазкур анжуман жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, мусиқа санъатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлигини, Ўзбекистонда мусиқа санъати, айниқса, унинг симфоник жанри юқори даражада тараққий этганлигини эътироф этди.

Анжуман чет эл ва Ўзбек бастакорлари асарларидан тузилган симфоник мусиқа концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев қатнашди.

Бахтиёр МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ: ХИНДИСТОН ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун халқаро теннис мусобақалари АТР (эй-ти-пи тур) профессионал туркумига киритилган энг нуфузли мусобақа каторидан ишонч билан ўрин эгаллади. 20 сентябрь куни Тошкентда ниҳоясига етган бешинчи турнир CNN, BBC, ESPN каби дунёнинг етакчи телевизион каналлари орқали намойиш этилди.

Ушбу спорт анжумани Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларининг эътиборини ҳам ўзига жалб этди.

Улар турнирнинг олий даражада уюштирилгани ва унда теннис оламининг энг кучли намояндалари орасидан вакиллар иштирок этиши билан бирга, Ҳиндистон кортларида қисқа муддат ичида ўзини кўрсатган Ўзбекистон теннис мактабининг профессионал ўсишини ҳам қайд этди.

Ўзбекистон теннис усталари Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевичларнинг Ҳиндистонда кўрсатган маҳорати бу ўйин мухлисларининг хотирасида ҳанузгача сақланиб турибди. Ушбу мамлакатнинг етакчи газетаси — «The Times of India» ҳар куни Тошкентда бўлиб ўтган мусобақаларнинг жараёни ҳақида муфассал мақолалар эълон қилиб, у ёки бу баҳсларнинг натижаларига баҳо бериш билан бирга ўзининг келгуси учрашувлар ҳақидаги фикрларини ҳам баён этиб турганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Газетада чоп этилган репортажларнинг бирида айтилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун мусобақалар ҳозирги пайтда «Катта шлем» жаҳон серияси доирасида ўтказиладиган Уимблдон каби турнирлар ва АҚШ, Франция, Австралия очиқ чемпионатлари қаторидан ўрин эгаллаш йўлидан бормоқда. «Президент Кубоги ажойиб воқеадир. У тўрт йил бурун туғилиб, катта шуҳрат қозониш билан бирга, мамлакатнинг спорт соҳасидаги ютуқлар тарғиботчисига ҳам айланди. «Юнусобод» ва «Динамо» теннис мажмуаларининг ўзи қанчалик ноёб! Бундай нодир ва ҳашаматли иншоотлар билан ҳамма мамлакатлар ҳам фахрлана олмайди», деб таъкидлади «The Times of India».

Ҳиндистоннинг «Star news» телевизион канали журналистлари ҳам ўзларининг спорт хабарларида «Юнусобод» спорт мажмуаси кортларидаги баҳсларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўйинларнинг видеолавҳалари спорт хабарларининг муқаддимасида тақдим этилиши, мамлакатимиз Президенти Кубоги учун ўтказилаётган мусобақаларнинг нуфузи тобора ўсаётгани ва Тошкент турнири курраи заминимизнинг асосий спорт воқеалари қаторидан ўрин олганлигининг далили ҳамдир.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» ААнинг мухбири, Деҳли.

КУНИ КЕЧА Италиянинг «Фата Груп» компаниясининг Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича президенти жаноб М. Тринча бошчилигидаги вакиллар гуруҳи Тошкент вилоятида меҳмон бўлишди.

Улар Қибрай туманидаги «Қибрай», Бўстонлиқ туманидаги «Бўстонлиқ» жамоа хўжаликларида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан атрофлича танишдилар.

Жаноб М. Тринча «Фата Груп» компанияси номидан вилоятимизнинг «Дўстлик» футбол жамоаси ўйинчиларига ҳамда «Лотто» фирмаси номидан спорт мактаби талабаларига спорт костюмларини совға қилишди. Шунингдек, меҳмонлар «Дўстлик» ўйингоҳида «Дўстлик» ва «Трактор» командалари ўртасидаги Республика биринчилиги учун футбол матчини ҳам томоша қилишди.

СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» ўйингоҳида бўлиб ўтган тантаналардан лавҳалар.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

ҲАММАБОП ДЎХТИРЛАР КЎПАЯДИ

АҲОЛИГА тиббий хизмат кўрсатишни янги сифат босқичига кўтариш Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан бирига айланиб қолди. Шу жиҳатдан олганда янги шифо масканлари, қишлоқ врачлик пунктларининг тутган ўрни айниқса ўзгачадир. Улар республикамизда ҳам, хусусан, вилоятимизда ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу шифокорларга кейинги пайтларда катта эътибор берилишининг боиси нимада? Биз шу савол билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги кадрлар ва ўқув юртлари бош бошқармасининг бошлиғи профессор Абдуғаффор ГАДОЕВга мурожаат қилдик.

— Тиббиёт тарихига бир назар ташласак, унинг илк даврларида табибларнинг деярли барчаси беморларга кўп қиррали муолажавий ёрдам кўрсатганлар, — дейди суҳбатдошимиз. — Тиббиётнинг отаси ҳисобланган, табобатда алоҳида ном қозонган Абу Али ибн Сино ёки Шарқнинг машҳур ҳакими Ал-Розийлар амалга оширган муолажалар бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Аммо, XIX асрга келиб тиббиёт турли тор ихтисосликларга бўлиниб кетди. Бу жараён ҳамон давом этмоқда. Ва ана шундай шароитда малакали хизмат кўрсатиш имконияти янада кенгаяди, албатта.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

Аммо, шу билан бирга аксарият ҳолларда беморда бир вақтнинг ўзида турли касалликларга хос бўлган бир неча аломатлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шифокордан уларнинг ҳар бирини тиббий нуқтаи назардан тўғри баҳолай олиш талаб этилади. Буни кўп ихтисосликдан хабардор бўлган умумий амалиёт врачи уддасидан чиқишини тажриба кўрсатди.

Шунга кўра асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида умумий амалиёт врачларини тайёрлашга ўтилди. Бинобарин, беморларга тиббий ёрдамнинг аксарияти улар томонидан амбулатория шароитида кўрсатила бошлади.

Мисол учун Англия мамлакатини олиб кўрайлик. Бу давлатда беморларнинг деярли 90 фоизи ҳозир умумий амалиёт врачлари томонидан амбулаторияларда даволанмоқда. Ўн фоизи шифохоналарда ҳамда шулардан фақат бир фоизи эса ихтисослашган бўлим ёки шифобахш марказларда муолажалар олмоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам замон талабларига мос равишда бу борада қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилаётир. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этила бошланди. Тошкент вилоятининг ҳар бир туманида ҳозир бир нечтадан бундай шифо даргоҳлари ишлаб турибди.

Айни вақтда мавжуд қишлоқ амбулаториялари қайта таъмирланиб, врачлик пунктлари мақомига эга бўлди. Яқин келажакда вилоятда шаҳар врачлик пунктлари ҳам юзага кела бошлайди.

Тиббиёт институтларини жорий йилда битирган дастлабки кадрлар умумий амалиёт шифокори дипломига эга бўладилар. Улар бир йиллик Интернатурани ҳам шу мутахассислик бўйича ўтайдилар.

Олий ўқув юртларимизнинг умумий амалиёт врачларини тайёрлаш, кафедралари ўқитувчилари чет эл мутахассислари иштирокида ўз малакаларини оширдилар. Янги ўқув йилидан мазкур кафедралар ўқитувчиларини қайта тайёрлаш бир йиллик курслари иш бошлайди.

Бўлғуси оммавий шифокорларга жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган шаклда билимлар бериш учун Англиядан мутахассислар таклиф этилди. Ўқитувчилардан бир гуруҳи эса Буюк Британияда тажриба орттирадилар.

А. КАБИРОВ.

«Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» очиқ турдаги акционерлик жамияти акциядорлари

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 261-сонли қарорини бажариш мақсадларида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади. Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилади:

1. Жамиятнинг таъсис ва ички меёрий ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарори билан тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ келтириш.
2. Директорлик ва кузатувчи кенгашнинг акционерлик жамиятининг бутун фаолияти давомидаги (ташкил этилган пайтдан бошлаб) ишига ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорлигига баҳо бериш.
3. Кузатувчи Кенгашнинг янги таркибини сайлаш.
4. Акционерлик жамиятининг ижрочи идораси раҳбарини қайта сайлаш.
5. Акционерлик жамияти ижрочи идораси раҳбарини ёллаш тўғрисидаги янги шартномани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
6. Ижрочи идора раҳбарининг кузатувчи кенгаш ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериши жадвали ва шаклларини тасдиқлаш.

Давлатга тегишли овоз берувчи акциялар сони 1209 та.

«ТОШВИЛКИТОБСАВДО ВА ТАЪМИНОТИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ РАҲБАРИЯТИ.

Очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акционерлик жамияти

1998 йил 29 октябрь соат 10.00да вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг мажлислар залида акционерларнинг навбатдан ташқари

умумий мажлисини ўтказади.

Кун тартиби:

1. Очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акционерлик жамияти директорининг 1998 йил тўққиз ойлик молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акционерлик жамиятининг таъсис ва бошқариш ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорини бажариш тўғрисидаги, акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларини амалга оширилиши ҳақидаги маърузаси.
3. Кузатувчи кенгаш аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
4. Бошқа масалалар.

Акционерларни рўйхатдан ўтказиш 1998 йил 29 октябрь куни соат 8.00дан 9.30гача акционерлик жамиятининг биносида ўтказилади.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри ва вилоятида 30 сентябрь-4 октябрь кунлари ҳарорат мўътадил келади. Шарқдан бир сонияда 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳафта охирига бориб айрим жойларда ёмғир ёғиши кутилади. Ҳарорат кечаси 10-15, кундуз кунлари 26-31 даража атрофида иссиқ бўлади.

Реклама-Ахборот Агентлиги

Сизга матбуот конференциялари, тақдимотлар, матбуотда реклама компаниясини ўтказишда ёрдам беради. Шунингдек Сиз учун қисқа муддатларда

- визиткалар
- дипломлар
- таклифномалар
- бейджиклар
- бланкалар
- папкалар
- гувоҳномалар
- органайзерлар

тайёрлаб беради.

Тел.: (8-371) 133-99-15, 136-53-54.
Пейдж.: (067) 29-00.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0316. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.45.